



## ПАРРАНДАЧИЛИҚДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ВА РЕНТАБЕЛЛИКНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

**Бегжанов Бердах Нажимович**

*Қорақалпоқ давлат университети тадқиқотчиси*

**E-mail:** [rberdakh.begjanov.78@mail.ru](mailto:rberdakh.begjanov.78@mail.ru)

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol12\\_iss6/613](https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss6/613)

### **Аннотация**

Ушбу илмий мақолада паррандачилик соҳасида фаолият юритувчи хўжалик убаътларида моливиый натижалар самарадорлигининг асосий мезонлари тадқиқ қилинган. Хусусан, рентабеллик ва ишбилармон фаоллик кўрсаткичларини тадбиркорлик субъектлари моливиый барқарор ривожланишига таъсири тадқиқ қилинган. Рентабелликни кўп омилли таҳлиliga асосланган ҳолда уни бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари асосиланган.

**Калит сўзлар.** Ялпи фойда, соф моливиый натижа, реализация қилинган маҳсулот таннархи, соф тушум, асосий ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги, жорий активлар рентабеллиги, фонд қайтими, сотиш рентабеллиги.

## ВОПРОСЫ ЭФФЕКТИВНОСТИ УПРАВЛЕНИЯ ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ И РЕНТАБЕЛЬНОСТИ В ПТИЦЕВОДСТВЕ

### **Аннотация**

В данной научной статье исследуются основные критерии эффективности финансовых результатов хозяйственных предприятий, работающих в птицеводческой отрасли. В частности, изучено влияние показателей рентабельности и деловой активности на финансовое устойчивое развитие субъектов предпринимательства. На основе многофакторного анализа рентабельности обоснованы пути повышения эффективности ее управления.

**Ключевые слова.** Валовая прибыль, чистый финансовый результат, себестоимость реализованной продукции, чистая прибыль, рентабельность основных фондов, рентабельность оборотных активов, рентабельность активов, рентабельность продаж.

## ISSUES OF EFFICIENCY OF FINANCIAL RESULTS AND PROFITABILITY MANAGEMENT IN POULTRY FARMING

### **Abstract**

This scientific article examines the main criteria for the effectiveness of financial results of business enterprises operating in the poultry industry. In particular, the impact of profitability and business activity indicators on the financial sustainability of business entities is studied. Based on a multifactorial analysis of profitability, ways to improve the effectiveness of its management are substantiated.

**Keywords.** Gross profit, net financial result, cost of goods sold, net income, return on fixed assets, return on current assets, return on assets, return on sales.

## **Кириш**

Замонавий шароитларда мулкчиликнинг турли шаклларидаги тадбиркорлик субъектларида молиявий натижаларни самарали бошқариш улар рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омили исобланади. Гарчи фойда массаси самарадорликнинг молиявий асосини ташкил қилса-да, ишбилармон фаолликни ошириш орқали фойдани миқдор жиҳатдан максималлаштиришда муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ҳам замонавий молиявий менежментда рентабеллик ва ишбилармон фаоллик стратегик контекстдаги ривожланишнинг муҳим молиявий омили сифатида эътироф этилади.

## **Адабиётлар шарҳи.**

А.Маршалл ўз асарларида молиявий натижалар ва рентабелликнинг замонавий тушунчасига имкон қадар яқин келган бўлиб, унда давр боши ва охирида мулкнинг ўзгариши муҳим ўрин тутди, бу фикримизча, статик бухгалтерия балансида фойдани тушунишга яқиндир. Бошқарув ҳисоби асосан А.Маршалл тадқиқотларига асосланади. Таниқли австрия-америкалик иқтисодчи Йозеф Шумпетер фойдани шакллантириш мавзусида ўз фикрини баён этган[1]. Й. Шумпетер ғояларида инновацияларнинг техник тараққиётдаги ролига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, улар капиталистик тизимни ўзгартириш ва “саноатлашган” ва “саноатлашувдан кейинги” жамият ривожланишнинг юқори босқичларига ўтиш ҳақидаги турли ғоя ва назарияларнинг кейинги ривожланишига хизмат қилди. Институционализм ва неоинституционализм вакиллари Т. Веблен, Ж. Коммонс, В. Митчелл, Ж. Гэлбрейт, Д. Белл, В. Росту, О. Тоффлер[4] ва бошқалар иқтисодий фаннинг ривожланишига

## **Тадқиқот методологияси**

Ушбу тадқиқотда илмий билишнинг назарий усулларида ва шунингдек, эмпирик усуллар сифатида таҳлил, синтез, дескриптив статистиканинг вертикал ва горизонтал таҳлил усулларида фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Маълумки, ялпи фойда ҳар қандай мулкчилик шаклидаги тадбиркорлик субъектлари асосий фаолиятининг соф молиявий натижасини ўзида мужассамлаштириб, унинг соф тушумдаги улуши аввало асосий фаолият бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бозор баҳоси ва сотиш сиёсатининг стратегиясига боғлиқ. Шунингдек, иқтисодчи Д.К Шим фикрича ялпи фойданинг (Gross profit) шаклланиши асосий фаолият бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнинг технологик тузилиши таъсиридаги бевосита таннарх харажатларининг номинал қийматига боғлиқдир[2]. Буни таҳлил қилинаётган “Сарабий парранда” фермер хўжалиги мисолидаги 2017-2022 йиллар бўйича ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, жами тушумнинг таркибида таннарх харажатларининг юқори улуши мавжудлигини тасдиқлайди. Хусусан, ушбу харажатларнинг жами тушумдаги улуши таҳлил қилинаётган даврда *min.* 79,9 фоиз (2020 йил) *max.* 99,3 (2017 йил) фоиз диапазонида тебранмоқда. 2022 йилда эса ушбу харажатлар 98,0 фоизни ташкил қилиб, ўсиб бориш тенденциясини намоён қилмоқда.

2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, “Сарабий парранда” фермер хўжалиги 2018 йилда 2017 йилга нисбатан соф тушум ( $\Delta Sg = -231,20$  млн. сўм) ва таннарх харажатларининг ( $\Delta C = -280,50$  млн. сўм) номинал миқдоридagi йиллик динамик ўзгаришда пасайиш кузатилган. Лекин, таннарх харажатларининг йиллик нисбатан

кучли пасайиши ҳисобига ялпи фойданининг йиллик ўзгариши ( $\Delta Pg$ ) ижобий номинал ўсиш тенденциясини намоён қилган ва 49,3 млн. сўмни ташкил қилган. Ушбу динамик ўзгаришлардаги йиллик пасайиш барча кўрсаткичларда 2021 йилда ҳам кузатилган ( $\Delta Sg=-77,3$  млн. сўм;  $\Delta C=-58,8$  млн. сўм;  $\Delta Pg=-18,4$  млн.сўм). 2022 йилга келиб эса йиллик ўзгаришларда юқори номинал кўрсаткичлар қайд этилмоқда.

1-жадвал

**“Сарабий парранда” фермер хўжалиги ва “Бухоро парранда” АЖ маҳсулот реализациясидан тушумининг таркибий ва динамик таҳлили, жамига нисбатан фоизда<sup>1</sup>**

<i>Кўрсаткичлар/ йиллар</i>	2017	2018	2019	2020	2021	2022
<b>“Сарабий парранда” фермер хўжалиги</b>						
Маҳсулот реализациясидан соф тушум	100	100	100	100	100	100
Реализация қилинган маҳсулот таннархи	99,3	52,3	83,0	79,9	81,2	98,0
Ялпи фойда	0,7	47,7	17,0	20,1	18,8	2,0
<b>“Бухоро парранда” АЖ</b>						
Маҳсулот реализациясидан соф тушум	100	100	100	100	100	100
Реализация қилинган маҳсулот таннархи	91,1	91,9	88,9	62,1	67,2	72,6
Ялпи фойда	8,9	80,6	11,1	37,9	19,9	27,4

"Бухоро парранда" АЖда эса таннарх харажатларининг соф тушумдаги улуши мин. 62.1 фоиз (2020 йил) дан тах. 91,1 фоиз (2017) диапазонида тебранмоқда. Соф тушумдаги фойданинг массаси "Бухоро парранда" АЖда нисбатан юқори улушни ташкил қилиб, ўртача бозор даражасини[5] таъминламоқда.

Гарчи ялпи фойда таҳлил қилинаётган ҳар иккала паррандачилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари соф фойдасининг асосий манбаи ҳисобланар экан соф фойдага нисбатан ҳисобланадиган рентабелликнинг талаб қилинадиган таъминлаш ва унинг даражасини ушлаб туриш рискин баҳолаш учун 1-жадалдаги рестроспектив маълумотлар базасига асосланган ҳолда ялпи фойданинг дисперсияси ва стандарт четланиш даражасини ҳисоблаймиз. Хусусан, 6 йиллик маълумотлар асосида “Сарабий парранда” фермер хўжалигида 6 йиллик маълумотлар асосидаги дисперсия қуйидаги формулада ўз ифодасини топган.

$$\bar{\sigma}^2 = \frac{\sum_{n=1}^6 (X-\bar{X})^2}{n} = 705,67; \quad \sigma = \sqrt{\frac{\sum_{T=1}^6 (X-\bar{X})^2}{n}} = 26,56 \quad (1)$$

Демак, “Сарабий парранда” фермер хўжалигида ялпи фойданинг дисперсия қиймати ( $\bar{\sigma}^2$ ) 705,67 млн. сўмни ташкил қилиб четга оғиш даражаси юқори эканлигидан далолат беради. Ўртача кўрсаткичга нисбатан ҳисобланадиган стандарт тебраниш 27,47 млн сўмни ташкил қилади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, таҳлил қилинаётган даврда ялпи фойданининг тебраниш амплитудаси жуда юқори бўлиб, истиқболда ялпи фойданининг талаб қилинадиган номинал қийматини белгилаш ва уни таъминлаш рисқи юқори бўлмоқда.

"Бухоро парранда" АЖда эса ушбу кўрсаткич яна ҳам юқоридир.

$$\bar{\sigma}^2 = \frac{\sum_{n=1}^6 (X-\bar{X})^2}{n} = 754,69; \quad \sigma = \sqrt{\frac{\sum_{T=1}^6 (X-\bar{X})^2}{n}} = 27,47 \quad (2)$$

<sup>1</sup> “Сарабий парранда” фермер хўжалиги ва “Бухоро парранда” АЖ йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилди.

Акцияджорлик жамиятида ялпи фойданинг дисперсия қиймати ( $\sigma^2$ ) 705,67 млн. сўмни ташкил қилган. Ўртача кўрсаткичга нисбатан ҳисобланадиган стандарт тебраниш 27,47 млн. сўмни ташкил қилади. Лекин ушбу "Бухоро парранда" АЖ да ялпи фойданинг номинал қийматини "Сарабий парранда" фермер хўжалигига нисбатан ҳаддан зиёд юқори эканлигига асосланадиган бўлсак, ялпи фойданининг нисбатан текис тақсимланиши кузатилаётганлигига амин бўлишимиз мумкин.

**2-жадвал**

**"Сарабий парранда" фермер хўжалиги ва "Бухоро парранда" АЖ асосий фаолият молиявий натижалари йиллик ўзгариш динамикаси, млн. сўмда<sup>2</sup>**

Кўрсаткичлар/ йиллар	2018	2019	2020	2021	2022
<b>"Сарабий парранда" фермер хўжалиги</b>					
$\Sigma Sg$	-231,20	60,10	122,90	-77,30	3915,30
$\Sigma C$	-280,50	83,20	92,90	-58,80	3872,40
$\Sigma Pg$	49,30	-23,10	29,90	-18,40	42,90
<b>"Бухоро парранда" АЖ</b>					
$\Sigma Sg$	3973,60	1242,80	-25471,80	12132,20	-7747,00
$\Sigma C$	3844,50	278,10	-23561,20	8326,20	-4789,10
$\Sigma Pg$	20136,70	-19043,20	-1 910,60	1805,90	-957,90

Таҳлил қилинаётган "Бухоро парранда" АЖда эса ялпи фойданинг йиллик номинал қийматини пасайиши 2019 йил ( $\Sigma Pg = -19043,2$  млн. сўм), 2020 йилда ( $\Sigma Pg = -1910,6$  млн. сўм) ва 2022 йилда ( $\Sigma Pg = -957,9$  млн. сўм) кузатилган. 2020 ва 2022 йилларда таҳлил қилинаётган барча молиявий натижалар бўйича пасайиш кузатилган.

Умуман шуни таъкидлаш мумкинки, "Бухоро парранда" АЖнинг ишбилармон фаоллик кўрсаткичи юқори бўлса-да, кейинги йилларда соф тушум, танарх ва ялпи фойда кўрсаткичларини пасайиши кузатилмоқда.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда ялпи фойдага таъсир этувчи омилларни таҳлилин кўриб чиқадиган бўлсак қуйидаги манзарани гувоҳи бўламиз:

1. Занжирли таҳлил усули ёрдамида базис даврдаги таннарх ўзгармаган ҳолда ҳисобот йилида олинган соф тушумдан чегирилади:

$$F(Pg) = Sg(2022) - C(2021) = 4129,6 - 174,1 = 3955,5 \text{ млн. сўм.} \quad (3)$$

2. Соф тушумнинг таъсиридаги ялпи фойданинг ўзгаришини ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

$$F(\Sigma Sg) = F(Pg) - Pg(2021) = 3955,5 - 40,20 = 3915,3 \text{ млн. сўм.} \quad (4)$$

3. Таннарх харажатларини ўзгаришини ялпи фойдага таъсирини қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

$$F(\Sigma C) = Pg(2021) - F(Pg) = 83,1 - 3955,5 = -3872,4 \quad (5)$$

Ушбу амалларимиз тўғрилигини қуйидагича текшириб кўришимиз мумкин:

$$\Sigma Pg = F(\Sigma Sg) + F(\Sigma C) = 3915,3 \text{ млн. сўм} - 3872,4 \text{ млн. сўм} = 42,9 \text{ млн. сўм}$$

Демак, хулоса қилиш мумкинки, "Сарабий парранда" фермер хўжалигида соф тушумнинг йиллик ўсиши ялпи фойдани йиллик 3915 млн. сўмга ўсишига таъсир этган. Таннарх харажатларининг йиллик ўсиши эса ялпи фойдани 3872 млн. сўм йиллик пасайишига таъсир этган.

<sup>2</sup> "Сарабий парранда" фермер хўжалиги ва "Бухоро парранда" АЖ йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилди.

**"Сарабий парранда" фермер хўжалиги ва "Бухоро парранда" АЖ рентабеллик коэффицентлари таҳлили<sup>3</sup>**

Кўрсаткичлар/ йиллар	Ҳисоблаш усули	2018	2019	2020	2021	2022
<b>"Сарабий парранда" фермер хўжалиги</b>						
Активлар рентабеллиги	$ROA=P/A$	0,23	0,07	0,18	0,17	0,29
Хусий капитал рентабеллиги	$ROE=P/E$	0,24	0,12	0,28	0,22	0,33
Сотишнинг рентабеллиги	$ROS=P/S$	0,48	0,10	0,15	0,19	0,02
Асосий ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги	$ROFA=P/(FA1+FA2)/2$	0,24	0,08	0,20	0,19	0,34
Жорий активлар рентабеллиги	$RCA=P/CA$	4,93	0,60	1,80	1,32	2,35
Фонд қайтими	$F(o)=S/(FA1+FA2)/2$	0,51	0,79	1,38	1,02	19,73
<b>"Бухоро парранда" АЖ</b>						
Активлар рентабеллиги	$ROA=P/A$	0,05	0,01	0,01	0,01	0,00
Хусий капитал рентабеллиги	$ROE=P/E$	0,09	0,03	0,03	0,02	0,01
Сотишнинг рентабеллиги	$ROS=P/S$	0,02	0,01	0,06	0,01	0,01
Асосий ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги	$ROFA=P/(FA1+FA2)/2$	0,11	0,03	0,04	0,02	0,02
Жорий активлар рентабеллиги	$RCA=P/CA$	0,10	0,02	0,02	0,01	0,00
Фонд қайтими	$F(o)=S/(FA1+FA2)/2$	5,89	4,61	0,66	3,06	1,85

3-жадвалдан кўриш мумкинки, "Сарабий парранда" фермер хўжалигида активлар рентабеллиги коэффицентлари таҳлил қилинаётган даврда 0,07-0,29 диапазонида тебраниб, юнг юқори кўрсаткич 2022 йилда қайд қилинмоқда. Табиий равишда хусусий капитал рентабеллигини 2022 йилга келиб 0,33 коэффицентни ташкил қилганлиги, ушбу фермер хўжалиги фаолиятини молиявий таъминлашда хусусий капиталнинг роли юқорилигини кўрсатади. Лекин сотиш рентабеллигини 2022 йилда энг паст кўрсаткичини кузатилаётганлиги (0,02) фермер хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг экстенсив ривожланиш хусусиятига эга бўлаётганлигидан далолат беради. Жори активлар рентабеллигининг юқори кўрсаткичи (2,35) активларга авансланган капиталнинг тўпланиш даражасини узоқ муддатли активларда юқори улушга эгаллигидан далолат беради.

Фонд қайтими кўрсаткичи кескин ўсиш тенденциясини намоён қилиб 2022 йилда 19,73 коэффицентни ташкил қилмоқда. Фонд қайтими кўрсаткичи паррандачилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларида асосий фондлар эксплуатациясини натижадорлиги ва интенсивлигини ифодалайди. Демак, "Сарабий парранда" фермер хўжалигида 1 сўм асосий фондлар келтираётган даромад 2022 йилга келиб 19,73 сўмни ташкил қилаётганлигидан далолат беради.

"Бухоро парранда" АЖда эса рентабеллик кўрсаткичларида бир оз фарқли манзарани кўришимиз мумкин. Хусусан, активлар рентабеллиги 20217 йилда 0,05 коэффицентни ташкил қилаётган бўлса, 2022 йилга келиб ушбу кўрсаткич 0,004 га пасайган. Табиий равишда хусусий капитал рентабеллиги кўрсаткичи ҳам пасайиш тенденциясини намоён қилиб 2022 йилда 0,01 коэффицентни ташкил қилган. Сотиш рентабеллиги ҳам таҳлил қилинаётган даврда пасайиш тенденциясини намоён қилиб,

<sup>3</sup> "Сарабий парранда" фермер хўжалиги ва "Бухоро парранда" АЖ йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилди.

2022 йилда 0,01 коэффицентни ташкил қилган. Асосий ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги пасайиш тенденциясини намоён қилиб, 2022 йилда 0,02 коэффицентни ташкил қилган ва фонд қайтими кўрсаткичининг ҳам 2022 йилдаги даражаси 1,85 коэффицентни ташкил қилган. Демак, хулоса қилиш мумкинки, ушбу паррандачилик билан шуғулланувчи корхонада ишбилармон фаоллик кўрсаткичи (маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш интенсивлиги) ва молиявий натижаларининг шаклланиши ва тақсимланиш тизимида самарадорлик нисбатан паст бўлмоқда.

### **Хулосалар**

Юқоридаларга асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларни тизимлаштириш мумкин:

1. Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган паррандачиликка ихтисослашган тадбиркорлик субъектлари инвестицион сиғимлари молиявий натижаларининг шаклланиш самарадорлигига асосий таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, “Сарабий парранда” фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш сиёсатида 2021-22 йилларда кескин ўсиш кузатилган бўлса-да, юқори таннарх харажатлари ялпи фойдага нисбатан ҳисобланган фойда массасининг паст кўрсаткичида қолишига олиб келмоқда. Ушбу ҳолат ишбилармон фаоллик кўрсаткичининг юқори суръати шароитида рентабелликни яхшилашга замин яратмайди ва ички молиявий заҳираларнинг тўпланиш даражасининг паст бўлиши фермер хўжалигини модернизациялашга инвестицион заҳираларни шакллантириш имкониятларини яекланиб қолишига олиб келади. Ваҳоланки, “Сарабий парранда” фермер хўжалигида “Бухоро парранда” АЖ дан фарқли ўлароқ соф фойданинг асосий манбаи ялпи фойда ҳисобланмоқда.

2. “Сарабий парранда” фермер хўжалигида ялпи фойдани максималлаштиришга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар ҳисобига таннархни иқтисод қилиш имкониятлари мавжуддир. Бу ўз навбатида ички ва молиявий бозорлардан инвестицион ресурсларни жалб қилиш эвазига маҳсулот ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан модернизациялаш, сотиб олинаётган озуқа маҳсулотларини бозор нархини давлат томонидан тартибга солиш орқали пасайтириш натижасида таннархни иқтисод қилиш ва ялпи фойда массасини ошириш имкониятлари орқали рўёбга чиқарилиши мумкин.

3. Умуман, хулоса қилиш мумкинки, барча тармоқлар каби паррандачилик тармоғида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари молиявий натижаларининг шаклланиши такрор ишлаб чиқариш жараёнига авансланган капиталнининг шаклланиш манбалари, активлар таркибини комплекс бошқаришга тизимли ёндашувга ҳам боғлиқ бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Шумпетер, Й. А. История экономического анализа: в 3 т. / Й. А. Шум-петер; пер. с англ. В. С. Автономова. - СПб.: Экономическая школа, 2001. - Т. 1. - 494 с.

2. Шим, Д. К. Методы управления стоимостью и анализа затрат / Джей К. Шим, Джоэл Г. Сигел. М.: Инф.-изд. дом «Филинь», 1996. 344с.

3. Black F., Scholes M. The Pricing of Options and Corporate Liabilities // PolitEcon. – 1973.

4. Brealey R. and Myers S. and Allen F. Principles of corporate finance. Seventh edition. Mc Gravu Hill McGraw-Hill., 2020.

5. “Сарабий парранда” фермер хўжалиги ва “Бухоро парранда” АЖ йиллик молиявий ҳисоботлари